

UDC 37.013

THE ROLE OF INDEPENDENT WORK IN INCREASING STUDENT ACTIVITY

L.S. Elibaeva¹*Abstract*

This article presents the types, goals and objectives, forms and content, classification of independent works.

Keywords. Traditional education, training model, plan, lecture, independent work, teaching aids.

Баркамол шахс ва малакали мутахассислар тайёрлаш таълимнинг барча босқичларида бош мақсад ҳисобланади. Ҳозирги кунда таълим жараёнида зарур билимларни талабаларнинг ўзлари изланиб топишга, мустақил ўрганишга, хулоса чиқаришга йўлловчи педагогик технологияларга эътибор кучайиб бормоқда. Талабанинг фаоллигини таъминлашга қаратилган ноанъанавий дарсларни ўтказиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Таълим жараёнида талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари долзарб масалалардан биридир. Мустақил ишлар қуйидагича таснифланади: **Дидактик мақсадга кўра ўтказиладиган мустақил ишлар** - илгари олинган таянч билимларни такрорлаш ва умумлаштириш; янги материални ўрганиш; билимларни тизимлаштириш; билимларни янги вазиятда қўллаш; такрорлаш машқларини бажариш йўли билан билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш; талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ва назорат қилиш. **Талабаларнинг мустақил билиш фаолиятини ташкил қилишнинг характериға кўра** - қисман изланувчан характерли; намуна бўйича бажариладиган; текшириш (илмий - тадқиқот) характеридаги мустақил ишлар. **Мустақил фаолиятни ташкил қилиш шаклиға кўра** - гуруҳ тарзида ташкил қилинадиган; фронтал (ялпи) тарзда ташкил қилинадиган; индивидуал-табақалашган тарзда ташкил қилинадиган мустақил ишлар. **Билим манбаи ва ўқитиш воситалариға кўра** - экспериментал масалаларни ечиш орқали; график ишларни бажариш орқали; дарслик ва бошқа ўқув қўлланмалари билан мустақил ишлаш; мустақил равишда моделлар яратиш орқали; сифат ва ҳисоблашга доир масалаларни мустақил равишда оғзаки ва ёзма ечиш; диктантлар ёзиш орқали; маъруза ва рефератлар тайёрлаш орқали; ўқиб чиқилган матн бўйича мустақил режа ва маъруза матни тузиш; тарқатма материаллар билан мустақил ишлаш; тажрибаларни бажариш бўйича мустақил ишлар; тест топшириқларини мустақил бажариш орқали. Мустақил ишлар ўқитувчининг бевосита иштирокисиз, лекин белгиланган вақтда ўқитувчи назоратида талабаларнинг топқирлиги ва изланишлари асосида бажариладиган ишлар деб қаралади. Мустақил ишлаш усуллари-ўқитишнинг таълим берувчи, тарбияловчи ва ривожлантирувчи вазифаларни мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширишга ёрдам беради. Мустақил иш таълимий жиҳатдан назарий билим, амалий кўникмаларни такрорлаш, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга хизмат қилади. Тарбиявий жиҳатдан, талабаларда меҳнатга муҳаббат, масъулиятлилик каби ҳислатларни шакллантиради. Талабаларнинг мустақил ишларни бажаришларига имкон яратиш учун қуйидагилар зарур деб ҳисобланади: талабаларнинг ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш ва бошқа фаолиятлари суръатини орттириш; талабаларда дарслик, китоблар билан ишлаш учун зарур кўникма ва малакаларни шакллантириш; талабаларга уй вазифасини бажариш тартиб-қоидалари ҳақида кўрсатмалар бериш; мустақил ишларни бажаришда тезкор ёрдам кўрсатишнинг махсус усуллари яратиш; асосий тушунчаларни асосий бўлмаган тушунчалардан

¹Элибаева Лола Сулеймановна – преподаватель, кафедра педагогики, педагогический факультет, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

фарқлаш ва ўз-ўзини назорат қилиш малакасини шакллантириш; мустақил ишни бажарган талабаларни баҳолаш ва қизиқтириш, рағбатлантириш. Ўқитувчи талабалар билан ишлашининг ўзига хос жиҳатлари, талабаларнинг мустақил фаоллигини, фанга қизиқишларини ошириш орқали билим даражасини бойитиб борилади. Мустақил таълим қўйидаги шаклларда ташкил этилади: 1) мавзулар бўйича конспект (реферат, тақдимот) тайёрлаш. Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалга диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради; 2) ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш: электрон манбалар, инновацион дарс лойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат учун тест топшириқлари кабилар; 3) фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш, бунда рус ва хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади; 4) интернет тармоғидан фойдаланиш; 5) мавзуга оид масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иштирок этиш; 6) амалиёт турларига асосан материал йиғиш, амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, ҳисоботлар тайёрлаш; 7) илмий семинар ва анжуманларга тезис ва мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш. Уйга берилган вазифаларни бажариш, янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўллари аниқлаш, Интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўғарак доирасида ёки мустақил равишда илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола (тезис) ва маърузалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Талабалар билан ишлашда индивидуал ва табақалашган ёндашувни ташкил этишнинг муҳим томонлари талабаларнинг савияси ва қобилияти, малакавий вазифаларни бажариш йўллари ўқитувчи томонидан кўрсатиб берилади. Аудиториянинг тайёргарлик даражасига қараб назорат ишлари, масалаларнинг қийинлик даражалари, дидактик ўйин турлича шаклларда тузилиб, дарс давомида талабалар билимига кўра, гуруҳларга ажратилиши ва турлича топшириқлар берилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай табақалашган ёндашув орқали талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини ва мустақил фикрлаш фаолиятини оширишга, ўқишда юқори самарадорликка интилишини тарбиялашга эришиш мумкин. Талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишда қўйидаги масалалар ҳал қилинади: ўқиш, ўрганишга иштиёқ янада кучаяди, дарс давомида ҳосил қилинган мотивларнинг давом этиши таъминланади; талабаларнинг ўқиш, ўрганиш билан боғлиқ кўникма, малакалари шаклланади ва ривожланади; ўрганилаётган ўқув материали устида талабаларнинг ўз фаолиятини мустақил давом эттиришга замин тайёрланади; ўқитувчининг талабалар фаолиятига раҳбарлик қилиши маълум даражада осонлашади; талабаларда тадқиқотчилик ва ижодий ишлаш олиш қобилияти шаклланади. Таълим жараёнининг самарадорлиги ўқитувчининг талабалар мустақил ўқув фаолиятини оширишга бўлган интилишлари билан аниқланади. Талабаларда интилувчанлик, изланувчанлик, топқирлик хислатларини тарбиялаш, мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш ва шакллантиришнинг бош вазифаси деб қаралади. Агар талаба уй вазифалари ва бошка топшириқларни намунали бажарса, дарслик ва қўшимча адабиётларни мустақил ўрганиб, фан тўғаракларига қатнашса, ўқув жараёни фаол ташкил этилган булади. Ўқитувчи дарс давомида педагогик технологиялар, тарқатма материаллар, тест топшириқлари, мусобақа дарслари, амалиётлар, кўргазмали қурооллардан фойдаланиб, замон талаблари даражасида дарс ўтилган ҳолда ҳам, талабаларнинг тўлақонли билим олишлари учун уларни мустақил ишлашлари муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Султонова Ў. Физика дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш // Ж. Педагогик таълим. -2006. -№ 5. -Б. 38-39.

© L.S. Elibaeva, 2018